

Юртимиз меҳмони Аҳмад Саъд Иброҳим Абдурраҳмон Усмон Даманхурий



09:03 / 05.03.2020 2349

(таржимаи ҳол)

Самарқандда давом этаётган «Имом Абу Мансур Мотуридий ва Мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун» мавзусидаги халқаро конференциянинг мартабали меҳмонларидан бири – Туркия ислом илмлари академияси раҳбари Аҳмад Саъд Иброҳим Абдурраҳмон Усмон Даманхурийдир.

Аҳмад Саъд Иброҳим Абдурраҳмон Усмон Даманхурий 1978 йил, 26 июнь куни Миср Араб республикасида таваллуд топган. Ҳозирда Туркиянинг Истанбул шаҳрида истиқомат қилади. Академик тадқиқотчи, нотиқ Аҳмад Саъд Иброҳим Абдурраҳмон Усмон Даманхурий Туркиянинг Фотиҳ Султон Меҳмет университети исломий билимлар факультетида катта илмий ходим ва ўқитувчи, Ислом билимларини масофавий ўқитиш Миср хусусий университетида директор ва нотиқ, Миср Ислом ишлари Олий кенгашида катта илмий ходим бўлиб фаолият олиб бормоқда.

У 2000 йил Ал Азҳарда Тафсир ва Қуръон илмлари (Tafseer and Sciences of Quran) бўлимида бакалаврлик дипломини ҳимоя қилган. 2002-2004 йиллар Тафсир ва Қуръон илмлари мутахассислиги бўйича 2 йил таҳсил олиб, имтиҳон топширган. Кейинчалик 2005 йил Ал Азҳар университетининг

Қуръон илмлари борасида ва Ибн Таймия асарларининг қиёсий таҳлили мавзусида тадқиқотлар қилади ва магистр даражасига эга бўлади.

2015 йил Ал Азҳар университети шариат илмлари факультетининг Имом Мотуридий ва унинг илмий услублари мавзусида фалсафа фанлари доктори даражасини олади. Шунингдек, Қуръон ва суннат илмлари борасида яна кўплаб соҳалар бўйича турли илмий унвон ва даражаларга эга.

Илмий фаолиятлари ва изланишлари:

— 2008 йил Шотибий матни бўйича Қуръонни тақдим этиш фанидан узоқ муддатли курслар. Баҳрайн қироллиги адлия ва Ислом ишлари вазирлиги.

— 2008 йил Баҳрайн қироллиги Таълим Вазирлигида фонология ва интонация бўйича семинарлар.

— 2013 йил Миср маданият вазирлиги, Миср архиви ва миллий кутубхонасида қўлёзма матнларни тадқиқ қилиш кўникмалари мавзусида ўқув семинари.

Асарлари:

— «Ал имаму Матуридий ва манҳажу аҳлус суннати фий тафсийрил Қуръан»

— «Аш шағафил бидаят»

— «Лабанаати фий улумил Қуранни вас сунна»

— «Назийротил маърифати ўинда аҳлис суннати вал жамаъати»

— «Сидус суғури бисийрата ўулумул ҳуда Аби Мансури Матуридиййати»

— «Усулит тафсийр»

Илмий тажрибалари:

1. 2004-2013 йилларда Баҳрайн қироллиги таълим вазирлигида Ислом билимларидан дарс берган.

2. 2005 йил Баҳрайнда шайх Исо бин Али оли Халифа марказида ҳамда адлия ва исломий масалалар вазирлигида воиз.

3. 2015-2016 йил Қоҳирада Имом Табарий Академияси профессори сифатида тафсир, Қуръон илмлари, Шофий фикҳидан дарс берган.
4. 2018 йил Туркиянинг Мармара университетида ўтказилган халқаро Имом Мотуридий ва Қуръон тафсирлари конференциясида илмий қўмита аъзоси сифатида тайинланган.
5. 2019 йил Истанбулда bepул таълим дастури доирасида Фотиҳ Султон Меҳмет университети ислом билимлари факультетида таклиф этилган профессор ва нотиқ.
6. Ал Азҳар университетига қаршли Қоҳирадаги Имом Табарий академияси деканатида ўқув ва таълимий дастурлар ишлаб чиқилишида раҳбарлик қилган.
7. Миср Ислом масалалари бўйича Олий кенгашда тадқиқотчи сифатида ишлаган.

***Islom.uz* портали таҳририяти**